

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 4-ҳадис

4- عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الصَّدْقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الرَّجُلَ لِيَصُدُّقُ حَتَّى يُكَتَّبَ عِنْدَ اللَّهِ صِدِّيقًا، وَإِنَّ الْكَذِبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ، وَإِنَّ الرَّجُلَ لِيَكُذُبُ حَتَّى يُكَتَّبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ростгўйлик яхшилика етаклайди. Яхшилик эса жаннатга етаклайди. Албатта киши рост сўзлайверади, ҳаттоки Аллоҳ ҳузурида сиддиқ, ўта ростгўй деб ёзилади. Ёлғончилик гуноҳга етаклайди. Гуноҳ эса дўзахга етаклайди. Албатта киши ёлғон сўзлайверади, ҳаттоки Аллоҳнинг ҳузурида ёлғончи, каззоб, деб ёзилади», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Ростгўйлик Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васалламнинг пайғамбар бўлиб танланишларидан олдин ҳам у зотга хос сифатларидан эди. Ёлғон гапириш хунук сифатлардан бўлиб, мусулмон киши бундай сифатдан йироқ бўлмоғи лозим. Расулуллоҳ с.а.в.га: “Мўмин киши ёлғончи бўлиши мумкинми?” деб айтилганида, у зот: “Йўқ”, деб жавоб берганлар.

Шу ҳадис орқали Пайғамбар алайҳиссалом умматни ростгўйликнинг фазилатини баён этиб, ёлғончиликнинг қабоҳатидан огоҳлантирмоқдалар.

Ростгўйлик- солиҳ амалдир. Солиҳ амалнинг охири жаннатdir. Киши ростгўй бўлишга ошиқади ва ниҳоят ушбу сифатга эга бўлиб, Аллоҳ ҳузуридаги олий мақомга эришади. Сўнгра Аллоҳ таоло Ўзининг ҳузурида у кишини “сиддиқ” деб ёзиб қўяди. Ёлғон эса -разолатdir. У бандани қабиҳ ишлар томон етаклайди. Ушбу амалнинг охири бандани жаҳаннам оловига улоқтиради. Банданинг ёлғончиликда давомий, мустаҳкам қолиши, ёлғончи деган номга боғланишига, хатто Аллоҳ ҳузурида “каззоб” деб ёзиб қўйилишигача олиб боради. Ёлғончи инсон охир-оқибатда жаҳаннамга равона бўлади. Жаҳаннам нақадар ёмон жойдир.

## **Ҳадисдан ўрганганларимиз**

1. Ростгўйлик мусулмоннинг асосий сифатидир.
2. Мусулмон киши ростгўй бўлса, бу хислати уни жаннатга етаклайди.
3. Ёлғон – гуноҳ ва осийликнинг бошланиш йўлидир.
4. Агар ёлғончи тавба қилиб, Аллоҳга қайтмаса, жаҳаннам ёлғончининг ниҳоясидир.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

